

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ЗАМОНАВИЙ КАРТОШКАЧИЛИК КЛАСТЕРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮҒРИСИДА

Аграп соҳада таркибий ислохотларни янада чукурлаштириш, мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишда кластер усулини ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чукур қайта ишлаш занжирини яратиш, юқори қўшилган қийматга эга экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Картошка етиштирувчилар уюмаси, Тошкент вилояти ҳокимлиги ва «Agrover» МЧЖнинг Тошкент вилояти ҳудудида «Bo'stonliq kartoshkachilik markazi» МЧЖ, «Solanuz» МЧЖ, «Agrover-urug'chilik» МЧЖ, «Vernatural» МЧЖ ва «Sof tabiat agro» МЧЖ негизида истеъмолга йўналтирилган картошка ишлаб чиқариш ва чукур қайта ишлаш бўйича агросаноат кластерини (кейинги ўринларда Агрокластер деб аталади) ташкил этиш ва унинг асосий фаолият йўналишлари этиб қўйидагиларни белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

уруглик картошка етиштириш, шу жумладан, уни вируссиз *in vitro* технологияси асосида кўпайтириш;

илмий асосланган алмашлаб экиш тизимида қўлланиладиган дуккакли, бошоқли дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг уругликларини етиштириш;

маҳаллий ва хорижий селекция ҳамда биотехнологик навларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш ва ривожлантириш;

уругчилик бўйича маҳаллий ва халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик қилиш, уругликларни экишдан олдин ишлов бериш ва қайта ишлашга оид инновацион технологиялар, шу жумладан, сувни тежовчи технологияларни кенг жорий этиш.

2. Истеъмолга йўналтирилган картошка ишлаб чиқариш ва чукур қайта ишлаш бўйича агросаноат кластери таркибига кирувчи ташкилотлар томонидан 2020 — 2022 йилларда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг рўйхати ва прогноз кўрсаткичлари иловага мувофиқ маъқуллансин.

3. Тошкент вилояти ҳокимлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда «Bo'stonliq kartoshkachilik markazi» МЧЖга Бўстонлиқ туманида фойдаланилмаётган, захиралини ерлар ҳисобидан ягона ҳудудийлик тамойили бўйича жами 1400 гектар, шу жумладан, «Poytaxt Agro» давлат унитар корхонасига фойдаланишга берилган ер участкалари ҳисобидан 146 гектар сугориладиган ер майдонларини туман ҳокимлиги захиралини олиб, 50 йилгача бўлган, бироқ ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилишини;

инвестициялар киритиш ва янги иш ўринлари ташкил этиш шарти билан «Solanuz» МЧЖга Ўртачирчиқ туманидан замонавий машина-трактор парки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қабул қилиш, қадоқлаш ва дастлабки қайта ишлаш бўйича логистика марказлари қуриш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган паст балл бонитетли ер майдонлари ажратилишини;

Агрокластер таркибига кирувчи ташкилотлар томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилмагандага, ажратилган ер участкаларидан оқилона фойдаланилмагандага ёхуд тупроқ унумдорлигининг пасайишига, кимёвий ва радиоактив ифлосланишига, атроф муҳитнинг бузилишига, республика ҳудудида карантин объектларининг пайдо бўлишига ва тарқалишига олиб келувчи усуслардан фойдаланилганда ер участкасининг ижара шартномаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ бекор қилинишини таъминласин.

4. Белгилансинки:

уруглик картошкани сертификатлаш бўйича тарифлар барча жисмоний ва юридик шахсларга ҳар бир тоннаси учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 фоизини ташкил этади;

Агрокластер таркибига кирувчи ташкилотлар ички ҳамда ташқи бозордаги эҳтиёж ва тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, маҳсулот етиштириш ҳажми, уларнинг нави ва турини белгилаш бўйича мустақил қарор қабул қиласди.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга сарфланा�ётган давлат харажатларининг самарадорлигини ошириш мақсадида бюджет маблағлари олувчилар учун (мактаб ва мактабгача таълим муассасалари бундан мустасно) тасдиқланган овқатланиш меъёрларида назарда тутилган озиқ-овқат маҳсулотларига ўриндош сифатида қуруқ картошка пюресини киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсан.

6. Тадбиркорлик субъектлари томонидан республикада ишлаб чиқарилган қуруқ картошка пюреси (ТИФ ТН коди 1105200000) экспортини амалга оширишга рухсат берилсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ў.И. Барноев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 1 апрель,
193-сон

**Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 1 апрелдаги 193-сон карорига
ИЛОВА**

Истеъмолга йўналтирилган картошқа ишлаб чиқариш ва чуқур қайта ишлаш бўйича агросаноат кластери таркибига кирувчи ташкилотлар томонидан 2020 — 2022 йилларда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг рўйхати ва прогноз кўрсаткичлари

Т / р	Инвестиция лойиҳаси нинг номи	Асосий ижро этувчи	Лойиҳа қиймати (эквивалентд а млн. АҚШ долла ри)	Молиялаштириш манбалари		Йилл ик куввати	Ташкил этил аётга ниш ўринлари сони	Амал га ошириш муддатла ри
				лоиҳа ташаббуск орларини нг ўз маблағлар и (млн. АҚШ доллари)	хорижий инвестицияла ри (млн. АҚШ доллари)			
1	Картошка ва бошқа сабзавот экинлари ни сақлаш бўйича логистика маркази куриш	«Bo'st onliq kartosh kachili k markazi» МЧЖ	14,8	4,8	10,0	30,0 минг тонна гача узоқ муддатли сақлаш	250 та доимийва 100 та мавсумий	2020 йил II чорак
2	Картошка ва бошқа сабзавот экинлари ни бирламчи қадоқлаш ва қайта ишлаш бўйича корхона ташкил этиш	«Agro verurug'chilik» МЧЖ	1,2	0,2	1,0	10,0 минг тонна	40 та доимий	2020 йил II чорак
3	Ихтисосл аштирилган машина-трактор паркини	«Solan uz» МЧЖ ва «Bo'st onliq	1,3	0,3	1,0	Jonde er 110 - 6 та Jonde er 135 - 6 та	100 та доимийва 40 та	2021 йил I чорак

	(МТП) ташкыл этиш	kartosh kachili k markaz i» МЧЖ			Orion 630 - 8 та Карто шка комба йни - 2 та МТЗ 80.1 - 12 та Эксо ватор JSB 4 сx - 1 та Тирка малар - 13 та 40 та бошқ а кишл ок хўжа лиги агрег атлар и	мавс умий		
4	1000 гектардан ортиқ майдонга замонави й ресурс тежовчи спринкле р ва ёмғирлат иб суғориш тизимлар ини	«Bo'st onliq kartosh kachili k markaz i» МЧЖ, «Agro ver- urug'c hilik» МЧЖ, «Solan	4,5	2	2,5	2020 йил - 500 гекта р, 2021 йил - 500 гекта р	200 та доим ий ва 800 та мавс умий	2021 йил II чорак

	босқичмабосқичжорийетиш	uz» МЧЖ					
5	Вирусли ва бошқа инфекция лардан холи уруғлик картошка ни «in vitro» технологияси бўйича етиштириш лабораторияси қурилиши ни якунлаш	«Sof tabiat agro» МЧЖ	1,5	1,5	0	1,0 минг тонна гача вирус лардан холи уруғлик картошка	30 та доимий 2020 йил III чорак
			23,3	8,8	14,5		620 та доимий ва 940 та мавсумий

Изоҳ.

1. «Agrover» МЧЖ бошқарувчи ташкилот ҳисобланиб, муассислар қарорига кўра, инвестиция лойиҳалари прогноз параметрларига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

2. Инвестиция лойиҳаларининг якуний параметрлари техник-иктисодий асослашни ёки бизнес-режаларни ишлаб чиқиш натижаларига кўра белгиланади.

3. Чет эл инвесторлари томонидан манфаатдорлик билдирилмаган ҳолда, «Agrover» МЧЖ бошқарувчи ташкилоти муассислари қарорига кўра, лойиҳа бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

*(Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.04.2020 й.,
09/20/193/0392-сон)*

